# Одам ҳаёти учун ҳавфли, ишлатишга яроқсиз бўлган пестицидлар

## Портлашга шай бўлиб турган бомба ва нима учун биз айнан ҳозир олдини олиш учун ҳаракат қилишимиз зарур

**Ишлатишга яроқсиз бўлган пестицидлар қолдиқларининг заҳиралари нафақат инсон организми учун ижтимоий ҳавф туғдиради шу билан бирга табий ресурсларни ифлослантиради ва ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришни сусайтиради. Бу муаммони тезкор ва эффектив усуллар билан ҳал қилишни нечоғлик чўзиб борсак, унинг ечими кейинчалик биз учун қимматлироқ ва мураккаб бўлади.**
Данута Хюбнер, Европа Хамжамиятининг минтақавий сиёсати бўйича комиссари.

**Олмониядаги фермерлар ассоциацияси нитрофен орқали озиқ-овқатларга етқазилган тўғридан тўғри ва бевосита етқазилган зарарни 500 миллион евро миқдорида баҳолашаяпди.**
(Brennpunkt Lebensmittelsicherheit, 2002).

**Агар бу ўта муҳим муаммо бўйича ҳалқаро миқиёсида яқин орада жиддий чоралар кўрилмаса, унда ҳар қандай келишилган кейинчалик кўриладиган чоралар ўта аҳамиятсиз ва ўта кечиккан бўлади.**
Алемаеху Водагене, Умумжаҳон яроқсиз бўлган пестицидлар бўйича Программани собиқ Координатори, ФАО (Водагене, 2007).

**Агарда ҳеч нарса қилинмаса, пестицидларнинг деярлик ҳаммаси эртами кеч тупроқларга, сув манбаъларига ёки атмосфера ҳавосига ўтиб кетишади. Пестицидларни атроф муҳитга тарқалиши ва уларни тозалашга сарфлаган ҳаражатларни ва шу билан боғлиқ бўлган хавфни кучайтиради. Яроқсиз бўлган пестицидлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечимига комиссия қатиян истак билдирди.**
Ставрос Димас, Европа Иттифоқининг атроф муҳитга доир комиссари (Димас, 2007).




ДЖОН ВАЙГЕН
Халқаро НСН ва пестицидлар Ассоциацияси, IHPA

КРИСТИАН ЭГЕНХОФЕР
Европа сиёсатини ўрганиш Маркази, CEPS


# ~~ОДАМ ҲАЁТИ УЧУН ҲАВФЛИ, ИШЛАТИШГА~~ LETHAL ЯРОҚСИЗ БЎЛГАН ПЕСТИЦИДЛАР

## ПОРТЛАШГА ШАЙ БЎЛИБ ТУРГАН БОМБА ВА НИМА УЧУН БИЗ АЙНАН ҲОЗИР ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ ЗАРУР

Colophon

IHPA
c/o Elmevej 14
DK-2840 Holte

Сарлоха: Одам ҳаёти учун ҳавфли, ишлатишга яроқсиз бўлган пестицидлар: портлашга шай бўлиб турган бомба ва нима учун биз айнан ҳозир олдини олиш учун ҳаракат қилишимиз зарур
Муҳаррирлар: Джон Вайген, Ҳалқаро НСН ва пестицидлар Ассоциациясининг Директори (IHPA), Кристиан Эгенхофер, Европа сиёсатини ўрганиш Марказининг катта илмий ходими, Брюссель (CEPS)
Чоп эттирганлар: TAUW Group bv, Нидерланды (on behalt of IHPA, c/o Elmevej 14, Dk- 2840 Holte)

ISBN- 13: 978-90-76098-10-4

Дизайн ва босма: Rooduijn communicatie and design, The Haque
Муҳаррир: Pieter Vonk, Marketing & Communications dept., Tauw bv. Deventer
Босма: Marketing and Communications dept., Tauw br. Deventer
Фотосуратлар: Matthijs Bouwknegt, Berto Collet, Boudewijn Fokke
Муқовадаги фотосурат: Jan Betlem

2009 © IHPA, Holte

Ҳамма ҳуқуқлар ҳимоя қилинган. Қисқа ва тўлиқ такрор босмадан чиқариш фақат ёзма равишда нашр этувчи рухсати билан мумкин бўлади (муалифлик ҳуқуқига эга шахс). Такрор босмадан чиқариш учун баёнот муалифлик хуқуқига эга бўлган шаҳсга ёзилади.

**ИШЛАТИШГА ЯРОҚСИЗ БЎЛГАН ПЕСТИЦИДЛАР ҚОЛДИҚЛАРИНИНГ ЗАХИРАЛАРИ НАФАҚАТ ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН ИЖТИМОИЙ ХАВФ ТУҒДИРАДИ ШУ БИЛАН БИРГА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ ИФЛОСЛАНТИРАДИ ВА ИЖТИМОИЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ СУСАЙТИРАДИ. БУ МУАММОНИ ТЕЗКОР ВА ЭФФЕКТИВ УСУЛЛАР БИЛАН ХАЛ ҚИЛИШНИ НЕЧОҒЛИК ЧЎЗИБ БОРСАК, УНИНГ ЕЧИМИ КЕЙИНЧАЛИК БИЗ УЧУН ҚИММАТЛИРОҚ ВА МУРАККАБ БЎЛАДИ.**

**Данута Хюбнер,**
Европа Хамжамиятининг минтақавий сиёсати бўйича комиссари.





**ОЛМОНИЯДАГИ ФЕРМЕРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ НИТРОФЕН ОРҚАЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТЛАРГА ЕТҚАЗИЛГАН ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ВА БЕВОСИТА ЕТҚАЗИЛГАН ЗАРАРНИ 500 МИЛЛИОН ЕВРО МИҚДОРИДА БАҲОЛАШАЯПДИ.**

(Brennpunkt Lebensmittelsicherheit, 2002).



## АГАР БУ ЎТА МУҲИМ МУАММО БЎЙИЧА ҲАЛҚАРО МИҚИЁСИДА ЯҚИН ОРАДА ЖИДДИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМАСА, УНДА ҲАР ҚАНДАЙ КЕЛИШИЛГАН КЕЙИНЧАЛИК КЎРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР ЎТА АҲАМИЯТСИЗ ВА ЎТА КЕЧИККАН БЎЛАДИ.

**Алемаеху Водагене,**
Умумжаҳон яроқсиз бўлган
пестицидлар бўйича Программани собиқ
Координатори, ФАО (Водагене, 2007).



**АГАРДА ҲЕЧ НАРСА ҚИЛИНМАСА, ПЕСТИЦИДЛАРНИНГ ДЕЯРЛИК ҲАММАСИ ЭРТАМИ КЕЧ ТУПРОҚЛАРГА, СУВ МАНБАЪЛАРИГА ЁКИ АТМОСФЕРА ҲАВОСИГА ЎТИБ КЕТИШАДИ. ПЕСТИЦИДЛАРНИ АТРОФ МУҲИТГА ТАРҚАЛИШИ ВА УЛАРНИ ТОЗАЛАШГА САРФЛАГАН ҲАРАЖАТЛАРНИ ВА ШУ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ХАВФНИ КУЧАЙТИРАДИ. ЯРОҚСИЗ БЎЛГАН ПЕСТИЦИДЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУАММОЛАРНИ ЕЧИМИГА КОМИССИЯ ҚАТИЯН ИСТАК БИЛДИРДИ.**

**Ставрос Димас,**
Европа Иттифоқининг атроф муҳитга
доир комиссари (Димас, 2007).






# Муқаддима

Биз яроқсиз бўлган пестицидларнинг муаммосини ечилиши учун чоралар кўришимиз керак. Яроқсиз бўлган пестицидларнинг масаласи бу зарур масала. Сизнинг диққатингизни менинг охирги пестицидларга бағишланган ҳисоботимга жалб қилмоқчиман, у менинг ҳамкасабам Виеслав Куча томонидан тайёрланган “Эҳтиёт бўлинг ҳавфли кимёвий моддалар: яроқсиз бўлган пестицидлар” китобчасига кирган.

Бу китобчада сиёсий арбобларни яроқсиз бўлган пестицидлар қолдиқлари томонидан етказилган зарар туфайли тезлик билан зарур чоралар кўрилиши аниқ кўрсатилган. Хайриятки янги ЕС мамлакатлари ўз ҳудудларида чора тадбирлар кўрганлар, ва балки яқин йилларда бу ҳудудларда яроқсиз бўлган пестицидларни муаммоси ечилади. Аммо, Европа мамлакатларга чегарадош Россия ва Ўрта Осиё мамлакатларда аҳвол қандай? Биз озиқ-овқатлар, маҳсулотлар орқасидан янги жанжал чиқишини кутиб ўтиролмаймиз, балки ушбу мамлакатларни ўз муаммолари билан қолдириш керакдир.

Ҳисоботимда мен 2002 йилдаги нитрофен билан боғлиқ бўлган жанжал оқибатлари туғрисида батафсил ёзган эдим, ўз вақтида Дания ҳамда Европа мамлакатларида ҳам бунга тегишли жанжал бўлди. Янги ҳалокат бундан даҳшатлироқ бўлиб, бизга берилган огоҳлантиришга жиддий қарамаганлигимизни ва аввалги тажрибалардан керакли хулосалар қилмаганлигимизни кўрсатади.

Мен шуни такидламоқчиманки, биз икки масала ечимига тўҳталишимиз керак:
– яроқсиз бўлган пестицид қолдиқларини бартараф қилиш;
– пестицид қолдиқларини пайдо бўлишини олдини олиш.

Бу масалаларни ечилиши яроқсиз бўлган пестицидлар билан ишлаш учун маъсул жамоа фондлари ёки агенствалар орқали амалга ошириш мумкин. Мен яна, ООНнинг бир қисми бўлган ФАО билан қандай қилиб ишлаш мумкинлигини таъкидлаб айтмоқчиман, чунки ФАО яроқсиз бўлган пестицидлар билан ишлашга ООН нинг мандатига эга.

Шунинг учун мен аввало ФАО ташаббуси билан Ўрта Осиёда қилинган ишлар ва яроқсиз бўлган пестицидларга бағишланган 2008 йил Озарбайжонда ўтказилган семинарни назарда тутаман ва самимий қутлайман. Бу семинарда яроқсиз бўлган пестицидлар бўйича янги маълумотлар берилганки улар одамни важохатга келтиради.

Шубҳасиз, ЕС харакат қилиш керак, шунинг учун мен бор имкониятимни, кучимни яроқсиз бўлган пестицидларнинг муаммосини белгиланган Европа парламентининг қонунчилигида ўз аксини топишига харакат қиламан. Бу каби ишлар атроф муҳитини муҳофаза қилиш Қумитасида ҳам ўтиши керак, ҳамда аниқ ҳаракатларни тасдиқлаш мақсадида масъул комиссарлар билан иккитарафлама учрашувлар пайтида аниқланади, жумладан юқорида қайд этилган агенство ва фондларни ташкил топиши орқали.

Мен Европа парламентидаги ҳамкасабаларимга бу ташаббусни қўллашлари учун мурожаат этмоқчиман (қайси партияга қарашидан қатдий назар). Яроқсиз бўлган пестицидлар муаммоси диққатга сазовор бўлиб, айнан шу бугун ечишни талаб қилади.

**Дан Яргенсен,**
Европа парламентининг аъзоси





# Кириш сўзи

Кўрилаётган ҳисоботнинг номи “Яроқсиз бўлган пестицидлар: портлашга шай бўлиб турган бомба, ва нима учун биз айнан ҳозир харакат қилишимиз зарур” деб аталади, ва ўзининиг мазмуни билан яроқсиз бўлиб қолган пестицидлар туфайли, Собиқ иттифоқ мамлакатлари, Жанубий Балкан ва ЕС га янги аъзо бўлаётган мамлакатларда ҳам (кам миқдорда) ўсиб бораётган ҳавфни анализ қилишга ўз ҳиссасини қўшади. Бу жараёнга кўп йилдан буён жалб этилганлигим сабабли мен шуни такрор айтаманки: айнан ҳозир харакат қилиш вақти ва дадил харакат қилиш керак. Бу менинг даъватим бўлиб асосан, Европа комиссияси асосий ташкилот бўлиб, яроқсиз бўлган пестицидлар муаммосига жалб этилган мамлакатлар билан биргаликда иш олиб борадиган асосий жамият ҳисобланади.

2007 йилда Мен Европа парламентида яроқсиз бўлган пестицидлардан келтириладиган ҳавфни жамоа учун учрашув ва кўргазма орқали намойиш қилган эдим. Бундан ташқари кўргазма Умумжахон Банкида намойиш этилган, Вашингтондаги Умумжахон экологик фондида (ГЭФ), Кишинев ва Венада бўлиб ўтган Халқаро НСН (гексахлорциклогексан) ва пестицидларга бағишланган Форумларда ва ЮНИДОда ҳам намойиш қилинган эди. Мен жуда кўп мулоҳазалар олдим, уларда ВУП дан одам организми учун озиқ – овқат махсулотларига, мундан келиб чиққан холда атроф муҳитига келтирадиган зарарни ва шу боис ўсиб бораётган ташвишни тасдиқлашди. Буларнинг ҳаммаси мени бу масала ечилмаганига ва бундан буён олға ҳаракат қилишимизга ишонтиради.

Мен Халқаро НСН ва пестицидлар ассоциациясига сусаймаган доиймий харакати учун кўпдан кўп иштирокчиларни бу ишга жалблanганликлари учун, буларнинг ичида Европа комиссияси, Европа парламенти, ФАО, ЮНИДО, Умумжахон Банки, Стокгольм ва Базел конвенцияларининг секретариятлари, Глобал экологик фонди (ГЭФ) ва кўплаб бошқа Нодавлат жамоалари, шу билан бирга пестицидларни ишлаб чиқараётган саноат корхоналарига ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Ҳаракатларнинг биринчи босқичида бошланиб келаётган регионал проектлар сифатида тараққиёт кузатилмоқда. ФАО номидан ҳаракатни бошламоқчи бўлган IHPA, ўз ишини “Яроқсиз бўлиб қолган пестицидлар ва ўта тургун органик ифлослантирувчи моддалари бўйича имкониятлар яратиш”, деган ГЭФ программасини партнерлар Миллеуконтакт Интернешнл, Яшил Крест ва яна 9 та мамлакатларнинг ҳамкорлигида бошламоқчи. Программа 2009 йилда старт олган бўлиб, мамлакатларда информацияни кенг тарқатиш регионал ҳамкорликни ва тажриба алмашувини кучайтиришга йўналтирилган. У, мамлакатларни ва мутаҳассисларни бирлаштиришда, ҳамма мамлакатларнинг регионларида яроқсиз бўлган пестицидлардан тозалаш ишларига бағишланган проектларни бажаришда ёрдам беради.

ООН тарафидан ВУПларни бошқариш мандатига эга бўлган ФАО, Ўрта Осиё ҳамда Кавказ мамлакатларида бу муаммони ўрганиш ташаббусини кўрсатди. 4 декабрь 2008 йилда Бокуда (Озарбайжон) бўлиб ўтган семинарда бу ташкилот муаммони қанчалик жиддий эканлигини аниқ таъкидлаб ўтади ва бутун жаҳонга ҳозироқ чора кўришни даъват қилади. Менинг назаримда охирги вақтда воқеаларни ривожланиши яхши кўрсаткичлар бермоқда ва ҳозирги ҳолатда тараққиётни кенгаиши учун Европа комиссиясини кўпрок жалб қилишга имкониятлар берилаяпди. Шунинг учун мен Европа комиссиясини тезроқ кейинги ҳаракат режасини тузишига бағишланган давра суҳбатига бу долзарб муаммони муҳокама ва мулоҳаза қилишга таклиф қилмоқчиман.

**Виеслав Стефан Куч,**
Европа парламентининг аъзоси
2009 апрель, Брюссел







# Мундарижа


Сўз боши 1

Кириш сўзи 3

Умумий шарҳ 7

1 Муққадима 9

2 Ҳалқаро битимлар 11

3 Муаммонинг даражаси 13

4 Яроқсиз бўлган пестицидларни йўқотиш масаласидаги тараққиёт 17

4.1 ЕС га аъзо бўлган мамлакатларнинг харакатлари 17

4.2 ЕС дан ташқарида бўлган минимал тараққиёт 17

5 Олдинга харакат қилиш учун керакли бўлган қадамлар 19

6 Тавсия этилган харакат режаси 21

Адабиётлар 22

Илова 1. Мамлакатларда сақланиб келаётган ишлатишга яроқсиз бўлган пестицид қолдиқлар захираларини баҳолаш 25

Илова 2. ЕС мамлакатларида қилинаётган харакат намуналари ва берилаётган ёрдамлари 27

Илова 3. Қисқартирилган сўзлар рўйхати 28





# Умумий шарх

Пестицидларни яроқсиз бўлиб қолиши бир неча сабаблари бўлиб, булардан, белгиланган мақсадда фойдаланиш мумкин бўлмаса чунки пестицидлар атроф муҳитида узоқ сақланиб келаётган салбий ҳусусиятларга эга бўлиб, тақиқланган бўлса ва ёки ишлатиш муддати ўтиб кетган бўлиб, сифати бўзилса, ёки ишлатилаётган пестицидларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари ўзгарса. Бу тўғрисида ўта тургун органик ифлослантирувчи моддалар (СОЗ) га бағишланган Стокгольм ковенциясида баён этилган бўлиб, у ЕС га кирган мамлакатлар томонидан ратификация қилинган, кўпгина, хаммаси бўлмаса да ЕС га кирмаган Марказий ва Шарқий Европа, ҳамда собиқ СССР мамлакатлари ҳам. Конвенция 2004 йилда кучга кирган.

ЕС давлатлари доирасида ратификация қилинган мамлакатлар томонидан конвенция ҳамда унинг бажарилиши учун таёрланган Давлат режалари ва муаммоларни маълум даражасида ҳал қилишди. Шу ерда ўта ҳафвли бўлган чиқиндилар билан ишлаш ва пестицидларни йиғиш ва йўқотишга тегишли ЕС қонунларига мувофиқ улар ишлаб чиқарувчилардан пестицидлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишни қонун орқали мажбурият қўйишган. Ишлар жараёни ЕС программалари жумладан PHARE ёки бошқа ЕС га аъзо бўлган мамлакатлар тасдиқлаган программалари орқали кучайтирилган.

Аммо яроқсиз бўлган пестицидлардан келиб чиққан хавфларни эффектив бартараф этишлиги учун Стокгольм конвенциясида берилган талабларни бажариш камлик қилади. Конвенция фақат 9 та специфик пестицидларда тўхталиб ўтган (уларни ўта тургун органик ифлослантирувчи моддалар СОЗ) деб аташади, улар яроқсиз бўлган пестицидлардан фақат бир қисмини ташкил қилади. Бунга қўшимча айтиб ўтиш керакки географик жиҳатдан ЕС га яқин бўлган мамлакатларда муаммо сақланиб келмоқда, айниқса Жанубий-Шарқий Европа ва собиқ СССР мамлакатларида.

Агар кенг қамровли ҳаракатлар бошланмаса, жуда катта ҳавф пайдо бўлади. Ҳимояланмаган омборхоналар (уларнинг сони ўн мингтага боради), одамлар ва ҳайвонот олами учун жуда катта ҳавф туғдирилади. Яроқсиз бўлган пестицидлар ЕС га аъзо бўлган ва аъзо бўлмаган Европа мамлакатларда ўзаро қишлоқ ҳўжалик махсулотларининг савдосига жиддий путур етказиши мумкин. 2002 йилда Германияда Нитрофен орқали содир бўлган жанжалдан етқазилган тўғридан-тўғри зиёни 200 миллион Евро миқдорида баҳоланади. ЕС га аъзо бўлмаган мамлакатларда яроқсиз бўлган пестицидлар албатта ҳавф туғдиришади, чунки уларнинг қолдиқлари дарё бўйларида жойлашган омборхоналарда сақланиб келмоқда. Оқибатда захарли бўлган моддалар сувга тушишлари мумкин, айниқса сув тошқинлари вақтида, мисол учун Германияда 2002 йилда, Руминия, Украина ва Молдавияда 2008 йилларда бўлиб ўтган сув тошқинларини келтириш мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, яроқсиз бўлган пестицидларни тозалаш бўйича ишларнинг нархи юқори эмас (тахминан 3,000 Евро бир тоннаси учун). Умумий қолдиқлар захирасини ҳисобга олганда (улар тахминан 256,000–263,500 тоннагача боради). ЕС га янги аъзо бўлган ва аъзо бўлмоқчи бўлган мамлакатларда Россия, Ўрта Осиё ва Европа қўшничилик Программасида иштирок этган мамлакатларда баҳолаш миқдори 770–790 миллион Еврога тенг келади.

Маълумотларга қараганда, баъзи бир мамлакатлар ушбу муаммони ечишга тайёр эканликларини билдиришган. Умумжахон Банки ёрдамида Молдова 1,150 тонна захарли пестицидларини йўқ қилди. Украинада 1,000 тонна яроқсиз бўлган пестицидларни Германияда йўқ қилиш мақсадида маълум харакатлар қилиняпти, ҳамда 2,000 тоннани йўқотиш режалаштирилмоқда.

Бу жараённи тезлаштириш учун моддий ва техник Европа Иттифоқидан ёрдами керак бўлади. Шу билан бирга бу ёрдам орқали малумотларни кенг тарқалиши, техник билимлар билан таъминлаш, махаллий молиялаштириш ҳамда қонунлаштириш ишлари кучайтирилади.

Биз Европа комиссиясини рахбарлиги остида, ЕС мамлакатлари, Европа Парламенти ва ЕСга аъзо бўлмаган мамлакатлар ҳамкорлигида харакат дастурини тузишга даъват этамиз. Ҳамкорлик шундай тузилиши керакки, масалан Европа қўшничилик сиёсатини маққуллаган мамлакатлар билан, ёки Ўрта Осиё мамлакатлари билан, ҳамда Халқаро жамиятлар билан жумладан ФАО, ЮНЕП, ЮНИДО, Умумжахон Банки4, Глобал экологик фонди; қишлоқ хўжалик жамиятлари, нодавлат жамиятлари билан, саноатсозлик шу жумладан кимё саноати, озиқ – овқат маҳсулотларнинг савдоси жараёни билан. Ушбу режа қуйидаги келтирилган пунктлардан иборат бўлиши керак:

– Президент раҳбарлигидаги кенгаш халқаро экологик масалалар бўйича кенгашнинг ишчи гурухи йиғилишига яроқсиз бўлган пестицидлар муаммосини кўтариб чиқишлиги керак.

– Европа Парламент вазифалари:
  – пестицидларга тегишли стратегияга қўшимчалар киритилишлигини, унда заҳиралари бўйича ҳисобот берилишни талаб қилиш керак;
  – Европа қўшничилик ва ҳамкорлик бўйича мўлжалланган стратегияга ВУПлар муаммосини киритиш.

– Яроқсиз бўлган пестицидлар (ВУП) заҳиралари бор мамлакатлар учун қуйдаги вазифалар:
  – табиатни мухофаза қилишга доир Миллий дастурларида ВУП ларни бартараф қилиш долзарб вазифаларидан бири деб белгилансин;
  – донорлар билан бўладиган музокаралар дастурига бартараф қилишни киритиш;
  – ҳамкорлик ишларини бажариш учун миллий воситалардан фойдаланиш.

– Европа комиссияси, Европа Парламенти ва ЕС га аъзо бўлган мамлакатлар бу муаммони тезкорлиги, долзарблиги ва ечимини мумкунлигига бағишланган музокараларни яхшилашлари керак.

– Янги ЕС га аъзо бўлган мамлакатлар зудлик билан ВУПларни сақлаш ва сақланиш шароитларнинг талабларига риоя қилишликни олдини олишлари керак.

– Ўсимликларни ҳимоя қилиш жамиятлари миллий ва ҳалқаро ҳамкорлари “Бўш идишлари” дастурига доир дизайн ва тузилишини кўриб чиқишлари керак, ВУП уларни Франция ва Польша мамлакатлари мисолида йиғиш ва бартараф қилиш учун.





# 1 Кириш сўзи

Пестицидлар ўз вазифаларига кўра фойдалана олмаслиги туфайли улар яроқсиз бўлиб қолишади. Улар атроф муҳитига узоқ вақт салбий таъсир кўрсатиш ҳусусиятига эга бўлса, ёки ишлатиш муддати тугаса, ёки сифати бузилиб, ишлатиш мумкин бўлмай қолса, ишлатишга тақиқланади. Шунинг учун яроқсиз бўлиб қолган пестицидлар (ВУП) муаммоси пестицидларни ишлатиши билан боғлиқ эмас. Балки бу муаммо ишлатилмай қолган пестицидлар билан боғлиқ бўлиб, улар яроқсиз бўлиб қолишади. Муаммолар, айниқса уларни нотўғри ишлатиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлиб:
– одамларнинг соғлигига ва атроф муҳитимизга таъсир этишига тегишли;
– қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқдир.

Муаммо 1950–1960 чи йилларда собиқ коммунистик мамлакатларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида пестицидларни кўп миқдорда ишлатиш натижасида пайдо бўлган.

Пестицидлар фермерларга бепул тақсимланиб, бу уларни нафақат ҳаддан ташқари ишлатилишига олиб келди, балки қолдиқларини ва идишларни нотўғри ишлатишга келтирди. Ҳозирги кунда, тахминан 260,000 тонна ВУПлар собиқ Союз мамлакатларида, Шимолий Балкан ва ЕС га янги аъзо бўлган мамлакатларда Польшадан то Қирғизистонгача бўлган масофа бўйлаб юз мингдан ортиқ омборхоналарда сақланиб келмоқда (Fedorov&Yablokov, 2004, илова 1)[1].

[1] *“Ҳушъёр бўлинг: Ҳавфли кимёвий моддалар, яроқсиз бўлиб қолган пестицидлар” ишида (Куч, 2007) 45-та муаллиф, уларнинг ичида комиссия президенти Хосе Мануэля Бароззо (Бароззо,2007), 4 та комиссия аъзоси (Dimas, 2007; Hubner, 2007; Kyprianou, 2007; Michel, 2007), 9 та парламент аъзоси ва ВУП муаммоси бор 5 – та мамлакат президентлари бу муаммони ҳал қилиш учун тезлик билан харакат қилиш кераклигини айтиб ўтишди.*





# 2 Ҳалқаро битимлар

Бу муаммога тегишли ҳалқаро битимлар – захарли чиқиндиларни чегарадан ўтказиш ва йўқ қилиш назоратига доир Конвенция, 1979 йил атмосфера ҳавосини ифлослантириш тўғрисида ЮНЕКЕ Конвенцияси, (ўта турғун органик ифлослантирувчи моддаларга доир 1998 йил Протоколи) ва 1998 йил заҳарли кимёвий моддаларга олдиндан розилик бериш учун ўзаро келишув ҳамкорлигига тегишли Роттердам конвенцияси.

Асосий ҳалқаро битимлардан – Стокгольм конвенцияси[2], 152 мамлакатлар томонидан ратификация қилинган ва 2004 йилдан бери кучга кирган. Ҳозирги кунда Россия, США, Турция, Босния, Герцеговина, Черногория, Сербия, ва ЕС мамлакатлардан Италия, Ирландия ва Мальта томонидан ратификация қилинган.

Стокгольм конвенцияси рўйхатида келтирилган маълум бўлган ўта турғун органик ифлослантирувчи моддаларни (СОЗ) ишлатишни тақиқлайди ва деярли ВУПлар муаммосини айтиб ўтмайди. Конвенцияни асосий талаблари шулардан иборат:

– рўйҳатга олинган пестицидларни ишлаб чиқаришини ва ишлатилишини тақиқлаш;
– импорт махсулотларга қатъиан тақиқлашни киритиш;
– заҳираларни аниқлаш ва ҳавсиз бошқариш;
– ривожланаётган мамлакатларни ихтиёжини инобатга олиб, техник ва моддий ёрдам кўрсатиш;
– Конвенция мақсадларига эришиш учун миллий харакат режалар дастурини тайёрлаш.

Европа Иттифоқи (ЕС) Стокгольм конвенциясининг баъзи бир бандларини Иттифоқ Қонунига киритди, шунинг учун унинг талаблари ЕС мамлакатлари ва Европа Иттифоқининг ташкилотлари учун мажбурийдир (СОЗ бўйича Европа ташкилотларининг харакат режасидаги 2 ва 4 боблар).

СОЗ қолдиқларини ҳавфли деб ҳисоблаган Базель конвенцияси одам саломатлигига ва атроф муҳитга йўналтирилган бўлиб, ишлаб чиқаришда ва ишлатишда пайдо бўладиган, чегарадан ўтиш пайтида, захарли ва захарсиз моддаларнинг йўқотилганда учрайдиган салбий эффектларга қарши ҳимоя қилади[3].

СОЗ бўйича ЮНЕКЕ Протоколи[4] бир неча йўналишдан иборат. Унинг рўйхатига 16 – та моддалар кирган, шу жумладан 11 пестицид, 2 ҳил ишлаб чиқаришдаги кимёвий моддалар ва 3 – та ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган моддалар киради. Протоколларнинг мақсадлари – таркибида СОЗ бўлган ҳар бир кимёвий моддани чиқиб кетишини олдини олишга йуналтирилган. Бази бир кимёвий модаллар (алдрин, хлордан, хлордекон, диелдрин, эндрин, гексабромобифенил, мирекс ва токсафен) ишлаб чиқариш ва ишлатиш тақиқланган. Бошқалар (дихлор-дифенил-трихлорэтан (ДДТ), гептахлор, гексахлорбензин (НСВ) ва полихлорланган бефениллар (РСВ)) кейинчалик ишлатишдан чиқарилади. СОЗ бўйича ЮНЕКЕ Протоколлари ДДТ, гексахлорциклогексан (ГХЦГ), линдан ва РСВ ларни ишлатилишини қатиян тақиқлайди.

---

*2 Турғун органик ифлослантирувчи моддаларга тегишли Стокгольм конвенцияси – ҳалқаро битм бўлиб, бу одамларни соғлигини ва атроф муҳитини кимёвий моддалардан ҳимоя қилади. Ушбу кимёвий моддалар атроф муҳитимизда кўп йил сақланиб туради ва парчаланиш имконига эга эмас, географик жиҳатдан кўп жойларга тарқалиб боради ва одамлар, ҳайвонлар организмида йиғилиш қобилиятига эга (http// pops.int/).*

*3 1989 йилда қабул қилинган ва 1992 йилда ишга тушган (http//www/basel.int).*

*4 424 июнь 1998 йил Аарусе шаҳарчаси, Дания, ЮНЕКЕ Конвенцияси чегарадош ҳаво ифлосланиши бўйича ижро Кенгаши томонидан қабул қилинган.*

Ва нихоят Роттердам конвенцияси[5] баъзи захарли кимёвий моддаларни савдо – сотиқига доир мамлакатлар билан ўзаро бўлган ҳамкорликга кўмаклашади.

Бу асосан кимёвий моддаларга тегишли маълумотларни ўзаро алмашувига яъни пестицидлар ва ишлаб чиқариш моддаларни тақиқланган ёки ҳозирги кунда, мамлакатлар томонидан одамлар ва атроф муҳитга ҳавф келтириши мумкунлиги учун чегараланган бўлганлиги туғрисида маълумотлар алмашувига тегишли. Ҳозирги кунда Конвенцияда 39 – та кимёвий модда бўлиб, улардан 24-таси пестицид, 4-таси захарли пестицид моддаси ва 11-та ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган моддалар. Европа Иттифоқига (ЕС) пестицидлар 850/ 2004 рақамли қонун бўйича киритилган. Бу фармон СОЗ бўйича Европа Иттифоқини қонунлари ва Ҳалқаро шартномаларига мослигини ишлатишни тақиқлаш орқали ҳамда сотиш ва ишлатиш Стокгольм конвенциясида келтирилган 13 СОЗ бўйича ЮНЕКЕ протоколларига асосланиб борилади. Бу қонун ЕС га аъзо бўлган мамлакатларни диоксин, фуран, PCB ва полиароматик нитрокарбонларни (PAH) ишлаб чиқаришдаги мурракаб протоколларни яратилишини ва кумаклашишни мажбурлайди, бундан ташқари бу кимёвий моддаларни умуман ишлаб чиқарилишини камайтириш тўғрисида иш режасини қабул қилишга ундайди. Европа комиссияси бу иш жараёнини миллий ҳисоботлар орқали кузатиб боради. Қонун ҳалқаро шартномалардан ҳам тараққий этиб ривожланиб кетмоқда. Шу билан бирга Халқаро миқиёсида тан олинган СОЗ каби моддаларни ишлаб чиқариш ва ишлатишни тўхтатиш мақсадини таъкидлайди. Бундан ташқари, ЮНЕКЕ ва Стокгольм конвенциясининг протокол мақсадлари ЕСга аъзо бўлган мамлакатларнинг стратегияси ва сиёсати программаларига аста – секин киритилиши назарда тутилади.

Стокгольм конвенциясига аъзо бўлган мамлакатлар конвенцияда келтирилган СОЗ га қарши қилинаётган ишлар учун режа тузилишлари керак. Европа иттифоқининг харакат режаси (POPCIP) 9 март 2007 йилда қабул қилинган (Европа комиссияси, 2007).

POPCIP нинг мақсади – нафақат Стокгольм конвенциясининг юридик талабларини бажарилишини, балки қабул қилинган чораларни хисоб-китоб қилиш, СОЗга қарши Иттифоқ томонидан қилинадиган кейинги чораларни кўриш учун стратегия ва харакат режасини таёрлаш.

POPCIP мақсадларига қуйидагилар киради:
– Ҳозирги вақтда СОЗга тегишли бўлган Иттифоқ томонидан харакатларни аниқлаш,
– Стокгольм конвенциясининг талабларини бажарилиши учун уларнинг самарадорлиги ва баҳоси,
– Кейинги харакатларни бажарилиши учун Иттифоқ даражасида керак бўлган эҳтиёжларни аниқлаш,
– Керак бўлган қўшимча ишларни белгилаш,
– СОЗлар ва атроф муҳитга тегишли сиёсат ёки бошқа бир йўналиш билан боғлиқ бўлган чораларни аниқлаш ва ўзаро бўлган алоқаларни кучайтириш,
– СОЗ ларга тегишли маълумотларни кенг оммага тарқатиш ва улардан назорат ўрнатиш.

ЕС га кирмаган мамлакатлар учун ВУПларни бартараф қилишга ёрдам ва бу ишларни таъминланиши PHARE Программа орқали амалга оширилади (Жанубий – Шарқий Европа мамлакатлари учун). Бартараф этиш учун қўшимча маблағлар Европа қўшничилик сиёсати орқали олиш мумкин, аммо ВУПлар бўйича ёрдам шартларига кўра, ЕС ва хамкорлар билан битилган шартномаларига бу муаммони асосий деб белгилансагина, амалга ошади.

[5] *Конвенция 24 феврал 2004 йилда ишга тушган (http://www.pic.int).*





# 3 Муаммонинг даражаси

Яроқсиз бўлган пестицидларнинг аниқ ҳажмини аниқлаш жуда мураккаб деб ҳисобланади. Уларнинг асосий ҳажмлари куп вақтдан бери сақланиб келмоқда ва уларга тегишли бўлган хужжатлар мавжуд эмас. НСН нинг асосий захиралари Стокгольм конвенцияси туфайли аниқланган. Бази бир мамлакатлар Конвенцияда айтиб ўтилган 9 та захарли моддалари тўғрисида маълумот йиғиш жараёнида. Бу албатта кам бўлган захираларга тегишли эмас. Айниқса, Стокгольм конвенциясига кирмаган масалан линдан ва ГХЦГ захиралари номаълум бўлиб қолганликлари учун уларнинг миқдорларини ҳисоблаш тахминий бўлади. Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларининг тажрибасига асосланиб, 2000 йил ЮНЕП томонидан тайерланган ҳисобларига қараганда, ВУП қолдиқларида СОЗ миқдори 30% ташкил қилади. Демак, ВУП қолдиқларининг умумий хажми 3 баробар СОЗ га қараганда кўпдир.

Бошқа маълумотлар заҳираларни янгиланган инвентаризация орқали тузилган бўлиб, уларга алоҳида омборхоналар инспекциясининг натижалари ВУП қолдиқларининг хажми ва турларнинг тавсифи киради. IHPA нинг алоҳида мамлакатларга берадиган таҳминий баҳосига қараганда, янги ЕС мамлакатларида, Европа қўшничилик сиёсатига кирадиган мамлакатларда, Россия ва Ўрта Осиёда ВУП миқдори 256 000 тоннадан 263 500 тоннагача келиши мумкин (илова 1).

*Жадвал 1. ВУПларни минтақалардаги таҳминий ҳажми*

| Минтақа | Тоннада баҳоланадиган миқдори | Баҳоланадиган нархи (млн. евро) * |
|---|---|---|
| Россия ва қўшничилик сиёсатига кирган мамлакатлар | 151,500 | 454.5 |
| Ўрта Осиё | 47,500 | 142.5 |
| ЕС га аъзо бўлишни режалаштираётган мамлакатлар | 36,000 дан 41,5000 гача | 108 дан 124.5 гача |
| ЕСга аъзо бўлган янги мамлакатлар | 21,000 дан 23,000 гача | 63 дан 69 гача |
| ЖАМИ | 256,000 дан 263,500 гача | 768 дан 790.5 гача |

** Хар бир йўқ қилинган ёки ҳавфсиз сақланаётган тоннага 3 000 евро ҳисобидан.*

*Манба:* IHPA маълумотлари, СОЗ бўйича конвенциянинг миллий режаларини бажарилиши (Илова 1 – яхлитлаш туфайли катта бўлмаган фарқ).

ВУП заҳиралари 4 – та асосий шакилларда аниқлаш мумкин:
– Заҳираларни эскириб кетган омборхоналарда ёки уларнинг атрофида кўп бўлмаган миқдорда – бир неча киллограмдан, то ўнлаб, юзлаб тоннагача (баъзи бир ҳолларда – минглаб тоннагача келади). Улар ўнминглаб жойларда ташланган;
– Йиғиш жойлардаги заҳиралар, хусусан собиқ СССР мамлакатларида, полигон ёки кўмиш қабристонлари деб аталади. Бу махсус майдонлар бўлиб, ВУПларни ёки бошқа бир захарли моддаларни ҳавфсиз сақланиш учун лойихалаштирилган. Аксарият ҳолларда бу майдонлар пухта жиҳозланган ва яхши қўриқланади, тартибли ҳисоб – китоб олиб борилади. СССР нинг

марказий тартиби қўлаб тушгандан кейин, полигонлар қаровсиз қолиб, қўриқлаш усули йўқ қилинди, пестицидлар ноқонуний қазиб олиб, қайтадан қадоқланиб маҳаллий бозорда сотилган, ёки уюштирилган хуқуқбузарлар томонидан экспорт қилинган. Полигонлар (концепция билан тўлиқ мос равишда) ўзи билан чегараланган катта бўлмаган участкалардан иборат, баъзида бошқа захарли чиқиндилар билан қўшилган.

– Пестицидларни ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган чикиндилар. Асосий таркиби – бу НСН (гексахлорциклогексан), линданни ишлаб чиқаришда мавжуд бўладиган махсулот (Вайген, 2006). НСН[6] нинг чиқиндилари чекланган майдонларда сочилган, лекин катта хажмда – бир неча ўнминглаб, баъзида юз минг тоннагача боради.

– Гексахлорбензин (НСВ) чиқиндилари пестицид каби ишлатилган ёки перхлорэтилен ишлаб чиқаришида мавжуд бўладиган маҳсулотлар (тетрахлорэтен каби танилган, PER ёки PERC), карбонтетрахлорид ёки трихлорэтилен. Катта ҳажмдаги НСВ захираларини Чехия республикасида ва Украинада бир нечта жойда топса бўлади (Heinisch, 2006 ва 2007, Holoubek et al 2006) (илова 3).

Барча ВУПлардан тозалаш қиймати нисбатан кўп эмас. IHPA лойиҳаларнинг натижаларига қараганда тозалаш, қайта қадоқлаш, ташиб олиб бориш ва ВУПларни бутунлай йўқотиш учун 1 тоннаси 3000 еврога тенг келади. ФАО томонидан ҳам ўхшаш рақамлар келтирилган. Африка учун ушбу чиқимларни 1 тоннасига 3000–5000 АҚШ доллар атрофида баҳолашади. Тозалашнинг умумий қиймати IHPA ни ҳисобига қараганда, Европа қушничилик мамлакатларида, ЕС мамлакатлари, ЕС га кирмоқчи бўлган мамлакатларда, Россияда ва Ўрта Осиёда 770 дан 790 миллион еврога қадар хосил қилади. ФАО маълумотларига қараганда, бу маблағ анча юқори бўлади. Эҳтимол, деактивация қиймати тозалаш нарҳларидан бир мунча баландроқ. Европа экологик ташкилоти ҳисоботига қараганда, деактивация нарҳларини пасайиши – бўлиб турадиган ҳол (Коппе ва Кейс 2001).

*[6] 1948 да техник холатидаги НСН бозорга чиқган биринчи маҳсулот бўлди. НСН ни кучли ва бадхўр хиди маҳсулотларга ўтиши сабабли, секин аста ишлатилиши камайиб, унинг ўрнига линдан ишлатила бошланди. Линдан ишлаб чиқарилишида вужудга келган НСН – изомерлари муҳим, чунки техник холатидаги НСН дунёда кенг фойдаланилаётган пестицид. Линданни ҳар бир ишлаб чиқарилган тоннасига 8–10 тонна НСН ҳосил бўлади. Ли (1999) баҳоларига қараганда, 1948–1997 йилларда дунё миқёсида техник НСН фойдаланилиши 10 млн. тоннага тенг келди, бу тарихда ишлатилган хар қандай пестицидлардан бир қанча кўпдир (Вайген, 2006).*
*ВУПлардан бошқа муаммоли – бу НСН чиқиндиларидан линдан ва альфа, бетта – изомерларидир. Бу тузилмалар СОЗ каби таснифланмайди, гарчан уларни хусусиятлари бир ҳилда бўлса хам. Бирикмалардан келадиган ҳавфи ва уларнинг ҳажми туфайли, Стокгольм конвенцияси қошидаги ВУПга тегишли ҳайъат томонидан Конвенциянинг кимёвий моддалар рўйхатига киритилиши учун сўнги тавсиялар берилган. Бу кимёвий моддалар май ойининг 2009 йилида томонларнинг тўртинчи конференциясида СОЗ га қўшилиши кутилмоқда.*





**Илова 1. Деактивация нархи**

2002 йилда Германия ва ЕС мамлакатлари собиқ Шарқий Германия ҳудудида органик маҳсулотларининг нитрофен билан ифлосланиши натижалари билан тўқнашдилар. Маҳсулотлар илгари пестицидлар омборхонасида сақланган эди. Омборхонанинг тупроғи пестицидлар билан ифлослангани натижасида маҳсулотлар ҳам ифлосланган эди. Германиянинг фермерлар уюшмаси 2002 йилдаги ҳисобига қараганда нитрофен атрофидаги жанжал туфайли уларга 500 миллион долларли зарар келтирилган (Brennpunkt LebenmittelSicherheit (2002).

**Илова 2. Инактивациядан келадиган ҳавф**

Германияни иқтисодий ислоҳатлари бўйича маслаҳат гуруҳи 2002 йилда ёзганларича: “Ғарбда тақиқланган базибир агрохимикатлар ҳамон Совет Итифоқида, кейинчалик Украинада ишлатилгани хақиқатдан ҳоли эмас. Тахмин қилиш мумкунки бу кимёвий моддалар техник жихатидан идеалдан йироқда. Шунинг учун маҳсулотлар ифлосланишидан келиб чиқган жанжални инкор этиб бўлмайди. Германиядаги нитрофен билан боғлиқ бўлган можарога ўхшаш, Украинада ҳам содир бўлиши мумкин. Маҳсулот индустриясини вакиллари ўзаро суҳбатларда айтадиларки Украинадаги маҳсулот ҳавфсизлиги бу портлашга шай бўлиб турган бомбага ўхшайди”, (Cramon – Taubadel, S. Von (2002).

Украинада тахминан 13000 та омборхоналар мавжуд бўлиб, ВУП дан захарланиши ёки шундай ҳавфга дучор бўлиши мумкин. Украина ҳокимият органларни хисоботига караганда, ВУП умумий заҳираларининг ҳажми 32000 тоннани ташкил қилиб, улар 5000 та жойларда жойлашган. Кўп майдонлар аҳоли турар жойларга яқин бўлганлиги сабабли, улар ёш болалар ҳамда уй ҳайвонларига ҳавф келтириши аниқ. Аксарият холларда омборлар қишлоқларда жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жойларига яқин бўлганлиги сабабли қолдиқлари тупроқ ва ер ости заҳираларига зарар етказиши мумкин (Antonov & Gamera (2007).

**Илова 3. НСН: Калушеда портлашга шай бўлиб турган бомба (Иванофранков вилояти, Ғарбий Украина)**

Украинадан Молдовага оқаятган Днестр оқаваси бўлмуш Савка дарёси қирғоғларида, Европада энг катта НСН заҳиралари жойлашган. Днестр дарёсининг атрофларида тахминан 7 миллион аҳоли яшайди, дарёнинг сувлари эса Молдова Республикаси ва қисман Украина учун ичимлик сувининг асосий манбаи ҳисобланади. Мамлакатда захарли моддаларни йўқ қилишда 10 000 тонна НСВ ни бартараф қилишда бу омборхона биринчи даражадаги аҳамиятга эга бўлган майдон деб ҳисобланади. Баҳоланишига қараганда бу омборхонада Украинадаги барча яроқсиз бўлиб қолган пестицидларни 30 % сақланади. Миллий харакат дастури лойихасига қараганда (2006 йилдан Давлат томонидан тасдиқланишга тайёр) бу омборхона йўқ қилиниши таклиф қилинаяпти. Ҳаракат дастури тасдиқланмаганлиги сабабли, ҳеч қандай чоралар кўрилмаган (Enviroment and Security, 2007; UNECE, 2004; National Environmental Policy of Ukraine 2007; Antonov& Gamera, 2007; CLU-IN, 2008).






# 4 ВУПлардан тозалашга тегишли бўлган муаммоларнинг ечимидаги тараққиёти

## 4.1 ЕСга аъзо бўлган мамлакатлардаги ҳаракатлар

ВУПларнинг муаммоси, ЕСнинг барча давлатларида тан олинган муаммо бўлиб ҳисобланади. ЕС мамлакатларида ВУП сақланаётган омборхоналарининг эгалари аниқ белгиланган бўлиб, ишлатишга яроқсиз бўлиб пайдо бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчига қайтарилиши ЕСда тез-тез учрайдиган амалиёт бўлиб қолмоқда. Ишлатишга яроқсиз бўлган ёки эскирган маҳсулотларни жўнатувчига қайтаришлик ЕСда тез-тез учрайдиган амалиёт бўлиб, уларда ВУП сақланаётган омборхоналарининг эгалари аниқ белгиланган. ЕС қонунларига асосан, ишлаб чиқарувчилар ВУПлар билан боғлиқ бўлган барча масалалар, шу жумладан уларни йиғиш ва йўқотишни ўзлари ҳал этишлари керак. ЕСни кенгайиши ушбу қонуннинг бошқа янги мамлакатларга ҳам тарқалишига олиб келди. ЕСга аъзо бўлишлари учун ўтиш даврида янги аъзо бўлган мамлакатлар қуйидаги дастурларни тузган PHARE (2-иловага қаранг) ва DANCEE (Шарқий Европага Дания томонидан экологик ёрдами)[7] улар Марказий ва Шарқий Европадаги 8 та мамлакатига муаммони ечилишига ёрдам берганлар.

Масалан 2002 йилда, нитрофен билан боғлиқ бўлган можародан (1-илова) сўнг Европа комиссияси (экология бўйича бош директорати) аъзоликка номзод мамлакатларда ВУПлар бўйича вазият тўғрисида (Европа комиссияси, 2002) ҳисобот чоп эттирди. Ҳисобот ўз ичига 2004 йилда ЕСга қўшилган 10 та аъзоликка номзод мамлакатларни қамраб олган: булар Чехия Республикаси, Кипр, Эстония, Литва, Латвия, Мальта, Польша, Венгрия, Словакия ва Словения. Ҳар бир мамлакат ВУП лар сақланаётган омборхоналари бўйича, шу жумладан турғун органик ифлослантирувчилар (СОЗ) ва уларни бошқариш ҳолати ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаганлар. Ҳисобот шунингдек СОЗ бўйича Стокгольм конвецияси талабларини бажариш билан боғлиқ бўлган муаммолар ва келажакдаги қийинчиликларни ҳам кўрсатиб беради. Ҳозирги вақтда Европага қўшничилик мамлакатларида бундай ҳисоботлар йўқ. ФАО 2009 йил мобайнида Ўрта Осиё бўйича худди шундай ҳисоботни чоп этишни режалаштирмоқда.

## 4.2 ЕС дан ташқарисида бўлиб ўтадиган минимал тараққиёт

ЕСга аъзо бўлмаган давлатлардаги вазият ҳар хил бўлган ва шундайлигича қолмоқда. Булардан асосан Европага қўшничилик сиёсатига қўшилган мамлакатлар, ҳамда Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларидир. Бу ерда миллий қонунчилик керакли даражада ривожланмаган, ишлаб чиқарувчилар йўқолиб кетган ёки уларни жавобгарликка тортиб бўлмайди, ерларга эгалик қилиш борасидаги вазият ҳар доим ҳам аниқ бўлмаган, муомала қилиш учун самарали ҳаракатларни олиб боришга тегишли инфраструктура мавжуд эмас. Қонунчилик мавжуд бўлган тақдирда ҳам, у деярли ҳамма вақт таъсир кучига эга эмас ва бунга кўпинча асосий сабаб давлат маблағларининг мавжуд эмаслиги ҳисобга олинади.

---

[7] *DANCEE: балтик мамлакатлари ва Россия 2000–2002,
DANCEE: Латвия 2001, DANCEE 2002–2004,
DANCEE: Латвия 1999–2004, DANCEE: Литва 1995–2002, DANCEE: Шарқий ва Марказий Европа 2001, DANCEE 2003, DANCEE 1994–2001, DANCEE 2004–2006.*

Шунга қарамасдан, Арктика ифлосланишини бартараф этиш бўйича Арктика кенгаши (ACAP) томонидан ҳаракат режаси доирасида бир қатор ҳаракатлар қўлланилмоқда. Россиянинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган 2000 тонна ВУП пестицидлари қайта қадоқланган (ACAP, 2008). 2002 йилда Албания ЕСнинг PHARE дастури орқали барча яроқсиз бўлиб қолган пестицидларни йўқотиш учун молиявий ёрдам олди. Жаҳон банки ташаббуси билан Молдова Республикасида қарийб 1150 тонна СОЗ билан биргаликда 160 тонна PCBни тозалаш ишларини амалга оширди (Плеска ва бошқалар, 2008). Мазкур лойиҳа 2008 йил охирига келиб якунланди. Голландия ташқи ишлар вазирлиги DOEN ва PSO (Ривожланаётган мамлакатларни салоҳиятини кўтариш жамғармалари) билан биргаликда Молдова, Грузия[8] ва Қирғизистонда ВУПларнинг кескин ҳавфларни бартараф этиш бўйича лойиҳани молиялаштирди. 2008 йилнинг охирига келиб қўшимча равишда салоҳиятини кўтариш ва маълумот тарқатилишини кенгайтириш йўлида 400 тонна ВУПлар қайта қадоқланди ва ҳавфсиз жойларда сақлашга юборилди.

Ҳозирги кунда ҳудди шу дастурга асосланиб Украинада қайта қадоқлаш имкониятларни яратиш бўйича янги лойиҳа ривожланмоқда. Мазкур лойиҳа 2009 йил мобайнида давом эттирилади. 1999 ва 2003 йиллар орасида Дания ҳукумати ВУПлар бўйича 1,53 миллион евролик бюджетга эга маҳсус дастурни қўллаб қувватлади (DANCEE, 2003). Бунда биринчи фазага Украинада ВУП сақланган омборхоналаридан келадиган ҳавфларни камайтириш бўйича харакат режасини ишлаб чиқиш ва иш режасига киритилган техник жихатларни бажариш учун кўргазма лоихаларни бажариш. Иккинчи фазага эса тажрибавий лойиҳаларни бажариладиган лоихалар иштирокчилари, махаллий идораларга ёрдам кўрсатиш, жамоатчиликни фаол иштирокига кўмаклашиш, савол – жавоб ўтказадиган жамоаларни ўқитиш, ички ва ташқи ресурслардан молиялаштиришни ўз ичига олган (WECF-2006). Украинада 1000 тонна яроқсиз бўлиб қолган пестицидларни элиминациялаш (саралаш) ва кейинчалик йўқотиш мақсадида Германияга транспортировка қилиш бўйича ишлар амалга ошириш босқичида турибди. Лойиҳа тасдиқланган ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Миллий жамғарма Фонди томонидан молиялаштирилмоқда. Кейинги 2 000 тоннани элиминациялаш (саралаш) бўйича тендерга қўйиш тайёргарлиги жараёнида.

Лекин барча олиб борилаётган ушбу ишлар қисманлигича қолмоқда. Жалб этилган барча мамлакатларда тизимли ёндошиш йўқ ва потенциал ҳавфи бор омборҳоналарнинг барчаси қамраб олинмаган. Асосий муаммо бу захарли ВУП билан боғлиқ бўлган HCH чиқиндиларидир. ЕСдан ташқарида HCHнинг асосий захиралари собиқ Югославия Республикаси Македония ва Озарбайжонда жойлашган. Ушбу давлатлар кўпинча юридик, молиявий ва институционал имкониятлари йўқлигидан ва, балким ҳаракат қилиш учун сиёсат томонидан хохиш йўқлигидадир.

[8] http://milieukontakt/en/?p=480.





# 5 Олдинга қадам қўйиш учун керакли бўлган харакатлар

ВУП га тегишли мажбурият ва уларни йўқотиши билан боғлиқ бўлган ишларни мувофақиятли бажарган мамлакатлар тўғрисида маълумотлар жуда кўп. Масалан, ЕС га аъзо бўлган мамлакатлар, ривожланган мамлакатлар, шу жумладан ЕС га янги аъзо бўлганлар хам. Бу мамлакатларда малумотларни кенг тарқалиши, қонунчилик, молиялаштириш, ва техник билимлар етарли. Ушбу омилларнинг бир қисми Европа қўшничилик сиёсатига кирган мамлакатларда мавжуд эмас.

Аммо ушбу минтақаларда ҳам маълум тараққиёт белгиланмоқда. Биринчи минтақавий лойиҳа ГЭФ кенгаши томонидан тастиқланган эди. ФАО номидан IHPA “ВУП ва СОЗ пестицидларига тегишли потенциални Шарқий Европа, Закавказье ва Ўрта Осиё (EECCA) да шакиллантириши бўйича” ГЭФ дастурини ҳамкорлар Миллеуеонтакт Интернешнл ва Яшил Крест ташкилотлар билан биргаликда ва 9 та давлат вакиллари билан иш олиб боришади. Дастур 2009 йилда бошланган. Унда 9 та мамлакатлар: Албания, Армения, Грузия, Озербайджон, Беларусь, Македония, Монголия, Румыния ва Молдоваларда потенциални кучайтириш ва ҳолис маълумотларни кўпайтиришга бағишланган чора тадбирларни ўз ичига олган. Дастур минтақавий ҳамкорликни кучайтиришда харакат қилиш билан бирга экспертлар ва мамлакатларнинг тажриба ва ютуқлар алмашуви орқали, бартараф қилиш бўйича харакат жараёнини хар қандай минтақада авж олади.

Шу вақт ичида ВУП бўйича иш олиб бориш учун мандатга эга бўлган ООН нинг озиқ – овқат дастури, Ўрта Осиё ва Закавказ мамлакатлардаги вазиятга доир ҳисоботни чоп эттирмоқчи. Ҳисоботнинг натижалари биринчи марта Бакуда (Озарбайжон) 2–4 декабр 2008 йилда бўлиб ўтган семинарда тақдим этилган. Йиғинни уюштирган Озарбайжон қишлоқ хўжалик вазирлиги – вазиятни муҳимлигини инобатга олган холда, ҳаммани дарҳол харакат қилишга даъват қилди.

Ҳозирги вақтда бошқа регионал харакатлар Умумжахон Банки томонидан уюштирилган бўлиб, Грузия, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонга ахвол билан танишиш учун махсус гурух юборилган. Бундан ташқари минтақавий ГЭФ дастури таёрланаётганлигини айтиб ўтиш керак, у ЮНЕП, ВОЗ Миллеуеонтакт Интернешнл ва Яшил Яримой жамиятлар томонидан, ДДТ га бағишланган бўлиб, Кавказ ва Ўрта Осиё учун бажарилган. ДДТ га бағишланган лойиҳа ушбу ўзаро чегарадош жойларда келажакда безгак касаллиги таркалишини олдини олиш ва ДДТ заҳиралари учун альтернатив йўллар қидириш орқали муаммони хал қилиш учун иш олиб боради.

IHPA ташкилоти ГЭФ лойиҳаси билан биргаликда минтақада маълумотларни кенгайтириш ташаббусларини қўллаб - қуватлашда ишлар олиб боряпти, булардан Виеслав Кучани томонидан тайерланган кўчма фото кўргазма бўлиб, ВУП га хос бўлган вазиятларни хар қандай жойлардан тасвирлаган. Лекин янада кўпроқ харакат қилишимиз керак.

– Янада кўпроқ мамлакатларни бу ишга жалб қилишлиги учун, балки ЕС донорлар билан биргаликда малумотларини янада тарқатилишига ва махаллий имкониятларни кенгайтириш учун, янада кўпроқ тадбирларни ўтказиш учун молиялаштиришни таклиф қилинаяпти. Бунга ўхшаш дастурлар ГЭФ да бор, лекин харакатланиш минтақасини нафақат ҳозирги 9 та қамраб олинган мамлакатларда (Албания, Армения, Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Молдова Республикаси, Македония, Монголия ва Румыния), балки барча 30 мамлакатларда кенгайтириш керак бўлади.

– Ушбу жараён билан биргаликда ЕСнинг сиёсати сатҳида мамлакатларни Стокгольм конвенциясини ратификация қилишларини талаб қилиши керак, айнан Босния ва Герцеговина, Черногория, Сербия ва Турция.

– Учинчи босқич аниқ маълумотларни тартиб тизимини барпо этиш деб ҳисобланар эди. Тартиб тизими режалаштиришнинг ягона асоси ҳисобланган бўлиб, бюджетни таёрлаш ва ишларни бартараф этишда ёрдам беради. ЕС томонидан молиялаштирган дастур орқали, Румыния яқинда бутун мамлакатни қамраб оладиган тартиб тизимини таёрлашга киришди. Шу билан бирга хисоб – китоб кўпроқ имкониятларни талаб қилади, уни яратиш учун ўқув дастурлари керак. Ўқув дастурлари учун керакли бўлган қўлланмалар ФАОда ва ООН нинг бошқа ташкилотларида мавжуд, ва унинг умумий фойдаланиш учун махсус дастур таёрланиши мумкин. Европа ҳайъатида ЕС мамлакатлари ва уни ташқарисидаги мамлакатлари учун ўқув дастурлар тузилишида бир мунча тажрибалари бор. Румынияда янги ВУП омборхоналарини пайдо бўлишини бартараф этишдаги сиёсат ва стратегиясини ривожланишида IHPA томонидан ёрдам кўрсатилди. Бир мамлакат миқиёсида бу керакли иш ўзига хос бўлган шаклда амалга оширилади, ЕС мамлакатларига ўхшаб “Ифлослантирувчи тўлайди ” деган сиёсат ўз вақтида Европа ва миллий қонунчиликга киритилган эди. Яқинда Умумжахон Банки томонидан ВУП пестицидлари бўйича Кырғизстон, Ўзбекистон ва Тожикистон мамлакатларида техник хулосалар тайёрлаш ташаббуси билан чиқган бўлиб, уларда учта кўргазма майдонларида хисоб – китоб қилиш нуқтаи назаридан, аниқланган жойлардан етқазиладиган ҳавф миқдори, сақланиш асослари, кўчириб ташлаш, йўқотиш, ҳамда техник – экономик далиллар билан сақланаётган жойларни алтернатив тозалаш услублари, маҳаллий мутахассисларни ўқитиш асосида юқорида қайт этилган масалаларни аниқлашди. Бу ташаббус 2009 йилнинг оҳирида бошланган ва мувофақиятли тугатилган.

– ВУП лардан тозалаш ишларининг энг муҳим қисми – бу заҳираларни чиқариб ташлаш, келгусида йўқ қилиш учун ёки агарда йўқотиш иложиси бўлмаса хавфсиз сақлаш. Айни вақтда ёрдам фақат Стокгольм конвенцияси орқали бўлаяпди. Бундан ташқари алоҳида ташаббуслар билан қўшимча тўлдирилаяпди. Бошқа томондан ҳусисий маблағ ажратиш, Давлат маблағлари борлигига боғлиқ, ва омборхоналар ҳақида қанчалик маълумотлар етарли миқдорда борлигига ва хисоб – китобига боғлиқ.





# 6 Тақдим этиладиган ишлар режаси

Ушбу муаммоларни ечишлиги учун биринчи навбатда ВУП захиралари кўп микдорда бор давлатлар, ҳамда озиқ-овқатларни импорт қиладиган ВУП захиралари бор давлатларда жамият кўпрок маълумотларга эга бўлишлари керак. Зудлик билан ВУП бўйича маълумот олишни жойларда инвентаризация орқали йўлга қўйиш керак ва миллий ҳисоботлар тайёрлаш керак. Бундан ташқари, конунчиликга доир қарорларни кўриб чиқиш, ҳар битта мамлакат учун ВУПларни йуқотиш буйича миллий режалар қабул килиш керак, ВУП заҳираларини пайдо бўлишига йўл қўймаслик чораларини кўриш керак, молиявий талабларни хам аниқлаш керак.

Биз Европа комиссиясини бу ишларда бош-қош бўлишликни ва Европа парламенти, Европа иттифоқи ва бошқа мамлакатлар ҳамкорлигида иш режаларини тузишга ундаймиз, бундан ташқари кўшничилик сиёсатини маққулаётган, ва Ўрта Осиё мамлакатлари, ҳамда Ҳалқаро ташкилотлар: Умумжахон Банки, ФАО, ЮНИДО, ЮНЕП, ГЭФ, истъемолчилар ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ташкилотлар, НПО, саноат шу жумладан кимъё ва озиқ-овқатлар махсулотларини савдо қилиш жамиятлари ҳам. Қисқа қилиб айтганда, тузилаётган иш режаси ушбу ташкилотларни аниқ ҳаракат қилишликга чорлайди, булардан:

– Президент раҳбарлик қилаётган Кенгаш, Кенгашнинг халқаро экологиясига доир иш гурухининг йиғинига ВУП масаласини кўтаради.

– Европа парламентига пестицидларга тегишли
  – стратегиясига илова қилиб, унда ВУП[9] захиралари тўғрисида ҳисобот бериш талаб қилинади;
  – янги тайёрланаётган қўшничилик сиёсатига тегишли хужжатда ВУП муаммоси таъкидлаб ўтилиши керак.

– ВУП захиралари бор мамлакатлардан талаб қилинадиган ишлар:
  – атроф муҳитини сақлаш миллий дастурларига ВУПларни бартараф қилиш долзарб ишлар деб, киритилсин;
  – донорлар билан музокаралар олиб бориш дастурларига бартараф қилиш муаммосини қўшиш керак,
  – миллий фондларни молиялаштириш ва қўшимча молиялаштириш учун қулай вазиятлар яратиш.

– Европа комиссияси, Европа Парламенти ва Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлари муаммони тезроқ ҳал қилишда ва унинг йўлларини топиш бўйича, музокараларни кучайтиришлари лозим.

– ЕС га янги аъзо бўлган мамлакатлар тезда Европа Комиссиясининг талабларига ёндашашлари зарур, унга ВУП захиралари бўйича ҳисобот, пестицидларни сақлаш аҳволи ва бошқалар киради.

– Ўсимликларни ҳимоя қилиш бошқармалари (ҳалқаро ва миллий ҳамкорлар билан биргаликда) ишлатиб бўлинган бўш идишлар бўйича дастурлар тузишади, ВУПларни йиғиш ва йўқотиш учун, яқинда Польша ва Францияда қилинганидек.

[9] *Хозирги вақтда бу хужжат бўйича пестицидларни ишлатишга доир дерективага бағишланган музокаралар олиб борилмоқда.*

# Адабиётлар

ACAP (Artic Council Action Plan) (2008), Draft Minutes ACAP Working Group, 4–5 March 2008, Moscow.

Antonov, Anatolii and Anatolii Gamera (2007), 9th International HCH and Pesticides Forum, 20–22 September 2007 (see http://www.ihpa.info/docs/library/9th/9thHCH_FORUM_BOOK_part1.pdf as well as part 2 and 3 on this website).

Barroso, José Manuel (2007), Contribution by the President of the European Commission, in Wieslaw Stefan Kuc (ed.), Caution, Dangerous Chemicals, Obsolete Pesticides, pp. 96–106.

BBC Radio 4, Broadcast on Problem of Accumulated Obsolete Pesticides in Africa (http://www.blackherbals.com/bbc_radio_4_broadcast_on.htm).

Brennpunkt LebensmittelSicherheit (2002), Nr. 1, p. 11, Juni, Der Nitrofen-Skandal, Behr's Verlag Hamburg.

CLU-IN (2008), Persistent Organic Pollutants — The Triple Price (video) (www.clu.in.org.ottowa).

Cramon-Taubadel, S. von (2002): Germany's Nitrofen Scandal and Food Safety in Ukraine. Beratungspapier S2 der Deutschen Beratergruppe Wirtschaft bei der ukrainischen Regierung. Kiew, Juli.

DANCEE (Danish Environmental Assistance to Eastern Europe) (1994–2001), Hazardous Waste Management Systems in Estonia, 124/009-0009, Danish EPA, DANCEE, Chemcontrol, 1994–2001.

DANCEE Lithuania (1995–2002), Action Plan for the Management of Un-used Pesticides in Lithuania, 124/025-0026, Danish EPA, DANCEE, by Krüger in collaboration with COWI.

DANCEE Latvia (1999–2002), Incinerator for Hazardous Waste in Latvia, 124/023-0070, Danish EPA, DANCEE, Chemcontrol.

DANCEE Baltic States and Russia (2001–2002), Project on the phase-out of POPs in the Baltic States and Russia, 124/000-0166 Danish EPA, DANCEE, COWI, 2000–2002.

DANCEE Eastern and Central Europe (2001), Review of OPS in Eastern and Central Europe, Elaborated COWI for the Danish EPA, Draft completion report, February 2001.

DANCEE Latvia (2001), Status on POPs Phase-out in the Baltic States (Latvia).

DANCEE (2002–2004), Elimination of Obsolete Pesticides, Latvia (2002–2004), COWI Consultants.

DANCEE (2003), Danish-Ukrainian Environmental Co-operation, 1993–2002.

DANCEE (2004–2006), Management of Obsolete Pesticides in the Russian Federation, COWI Consultants.



ЯРОҚСИЗ БЎЛИБ ҚОЛГАН ПЕСТИЦИДЛАР

Danish EPA (2001–2004), Belarus, Survey, Management and Disposal of Accumulated, Obsolete Pesticides in Belarus, Danish EPA, DTI, COWI Consultants and DANCEM.

Dimas, Stavros (2007), «Danger of Obsolete Pesticides», in Wieslaw Stefan Kuc (ed.), Caution! Dangerous Chemicals, Obsolete Pesticides, pp. 108–114.
Dimcheva, Tsvetanka (2008), «Management of Obsolete Pesticides in Bulgaria», paper at Workshop on the management of polychlorinated biphenyl, OPs and unintentional emissions of persistent organic pollutants, Belgrade, 24–26 September 2008, INFRA 303731 (http://taiex.ec.europa.eu/ — see TAIEX library).

ENS-News (2002), «Elbe Vulnerable as Czech Chemical Factory Floods» (http://www.ens-newswire.com/ens/aug2002/2002-08-15-02.asp).

Environment and Security (2007), Transforming risks into cooperation — the case of Eastern Europe, Transforming risks into cooperation. The case of Eastern Europe, Belarus — Moldova — Ukraine, UNEP, UNDP, UNECE, OSCE, REC, NATO.

European Commission (2002), Obsolete Pesticides Status in Candidate Countries, Final Report, September 2002, COWI for European Commission Directorate General for Environment.

European Commission (2007), Community Implementation Plan for the Stockholm Convention on Persistent Organic Pollutants, Staff Working Document, SEC (2007) 341 of 9.3.2007 (http://ec.europa.eu/environment/pops/index_en.htm).

Fedorov, Lev A. and Alexexy V. Yablokov (2004), Pesticides: The chemical weapon that kills life (The USSR's tragic experience), PENSOFT Publishers, February.

Heinisch, Emmanuel (2006), «Persistent Chlorinated Hydrocarbons (PCHC), Source-oriented monitoring», in Aquatic Media. 4. The Chlorobenzenes, Fresenius Environmental Bulletin, Vol. 15, No. 3, pp. 148–169.

Heinisch, Emmanuel (2007), «Hexachlorobenzene — Imports via the River Elbe», in Wieslaw Stefan Kuc (ed.), Caution! Dangerous Chemicals, Obsolete Pesticides, pp. 334–342.

Holoubek, Ivan et al. (2006), The National Implementation Plans for Implementation of the Stockholm Convention in the Czech Republic, Project GF/CEH/01/003, Enabling Activities to Facilitate Early Action on the Implementation of the Stockholm Convention on Persistent Organic Pollutants (POPs) in the Czech Republic, Tocoen Report No. 23, p. 45, Brno, January.

Hübner, Danuta (2007), «Obsolete Pesticides», in Wieslaw Stefan Kuc (ed.), Caution! Dangerous Chemicals, Obsolete Pesticides, pp. 116–122.

Koppe, Jana G. and Jane Keys (2001), «PCBs and the precautionary principle», in David Gee and Sofia Guedes Vaz, Late lessons from early warnings: The precautionary principle 1896–2000, Environmental Issue report No. 22, European Environment Agency, 2001.

Kuc, Wieslaw Stefan (ed.) (2007), Caution! Dangerous Chemicals, Obsolete Pesticides.

Kyprianou, Markos (2007), «EU Measures for Pesticides in the Area of Health and Consumer Protection», in Wieslaw Stefan Kuc (ed.), Caution! Dangerous Chemicals, Obsolete Pesticides, pp 138–146.

Li, Yi Fan (1999), «Global Technical Hexachlorocyclohexane Usage and Its Contamination Consequences for the Environment: from 1948 to 1997», Science of the Total Environment, Vol. 232, pp. 123–160.

Lithuanian National Implementation Plan (2007), «Persistent Organic Pollutants Under the Stockholm Convention (http://www.pops.int/documents/implementation/ nips/submissions/default.htm).

Michel, Louis (2007), «Risks of Obsolete Pesticides for Developing Countries», in Wieslaw Stefan Kuc (ed.), Caution! Dangerous Chemicals, Obsolete Pesticides, pp. 124–136.

National Environmental Policy of Ukraine (2007), Assessment and Development Strategy, Kyiv 2007, Ministry of Environmental Protection of Ukraine, p. 180, United Nations Development Programme, Global Environmental Facility, Kyiv.

Plesca, Valentin, Anatol Gobjila, Ion Barbarasa and Larisa Cupcea (2008), «POPs Stockpiles Management and Destruction in Moldova» in 9th International HCH and Pesticides Forum for CEECCA Countries, Chisinau, Moldova.

Umweltbundesamt (2007), Schadstoffkonzentrationen in Organismen der Nordsee, August (http://www.umweltbundesamt-umweltdeutschland.de/umweltdaten/public/theme.do;jsessionid=80B4B76B28186A71978B399A197B1113?nodeIdent=2416).

UNECE (2004), Dniester cooperation to make drinking water safe (www.unece.org/press/pr2004/04env_p16e.htm).

UNEP (2000), Intergovernmental Negotiating Committee for an International Legally Binding Instrument for Implementing International Action on Certain Persistent Organic Pollutants, Fifth session, Johannesburg, 4-9 December, Item 3 of the provisional agenda (www.pops.int/documents/meetings/inc5/Fr/inf5-4/inf4.doc).

Vijgen, John (2006), The Legacy of Lindane HCH Isomer Production: A Global Overview of Residue Management, Formulation and Disposal, IHPA (http://www.ihpa.info/docs/library/Lindane%20Main%20Report%20DEF20JAN06.pdf).

WECF (2006), Attention – Obsolete Pesticides!, The problem of OPs management in Ukraine, p. 19 (http://www.wecf.de/english/publications/2006/obsolete_pesticides.php).

Wodageneh, Alemayehu (2007), «Complex Problems of Obsolete Pesticides and POPs», in Wieslaw Stefan Kuc (ed.), Caution! Dangerous Chemicals, Obsolete Pesticides, pp. 508–516.





# Илова 1

## ВУПларнинг мамлакатлардаги умимий заҳираларнинг миқдори

| Мамлакат | Умумий миқдори тоннада | Тавсиф (изоҳ) |
|---|---|---|
| Албания | 0 | Голландия хукумати томонидан молиялаштирилган 353 тонна ВУП 2006 йил апрелдан июнигача йўқ қилинган; 2001 ва 2002 йилларда 360 тонна йуқотиш учун PHARE томонидан молиялаштирилган |
| Армения | 800 | |
| Озарбайжон | 4,000 | |
| Беларусия | 6,558 | 20–22 сентябр 2007 йилда НСН ва бошқа пестицидларга бағишланган 9-чи Халқаро Форум докладларида босиб чиқарилган |
| Босния ва Герцеговина | ноъмалум | |
| Болгария | 14,103 | Болгариянинг экология ва сув ресурслари министри Татьяна Димчева сўзларига қараганда, 2007 йилда 14 103 тоннадан 83,5 % (яъни 11 773 тонна) си янги қурилган ёки жихозланган омборхоналарида, еки 1 804 та “ББ - куб” га капсулланган. Қолган 2 330 тоннаси вақтинча омборхоналарда сақланиб келмоқда. |
| Хорватия | 0 | |
| Чехия Республикаси | 0 | Атроф мухитини сақлаш вазирини айтганларига қараганда 141 тонна ВУП 2007 йилда йўқотилган. |
| Эстония | 0 | Эстония Хукуматининг маълумотларига қараганда хамма 700 тонна 2007 йилда йўқотилган. |
| Грузия | 3,000 | |
| Венгрия | 200 | |
| Қозоқстон | 10,000 | |
| Косово | 8 | |
| Қирғизстон | 3,000 | 20–22 сентябрь 2007 йилда бўлиб ўтган НСН ва бошқа пестицидларга бағишланган 9 – чи Халқаро Форум докладларида босиб чиқарилган. |

| Мамлакат | Умумий миқдори тоннада | Тавсиф (изоҳ) |
|---|---|---|
| Латвия | 10 | 10 тонна яқинда йиғилган, 2 000 тоннаси эса йуқотилган. |
| Литва | 2,000 | 2002 – 2005 йиллар мобайнида 3 190 тоннага яқин ВУП Германияга чиқарилган ва у ерда йўқотилган. |
| Польша | 5,000 – 7,000 | 2007 йил 20–22 сентябрда бўлиб ўтган НСН ва бошқа пестицидларга бағишланган 9 – чи Халқаро Форум докладларида босиб чиқарилган. |
| Молдова Республикаси | 5,450 | 2006–2007 йилларда Умумжахон Банки ёрдамида 1150 тоннадан ортиқ пестицид йўқотилди |
| Россия Федерацияси | 100,000 | |
| Сербия | 200 | 2008 йилда Миллий харакат режасига бажарилиш учун киритилган |
| Словакия | 300 | |
| Словения | 350–400 | |
| Тожикистон | 15,160 | Тожикистон Миллий харакат режасида |
| Туркия | 3,000–3,300 | Харакат режасига кўра. |
| Туркманистон | 1,671 | Тахминий, аниқ малумотлар йўқ. |
| Украина | 31,700 | Украинанинг миллий харакат режасига кўра. |
| Ўзбекистон | 17,718 | 2005 йил 26 -28 майда бўлиб ўтган НСН ва бошқа пестицидларга бағишланган 8 – чи Халқаро Форум докладларида босиб чиқарилган. Нодавлат ташкилотининг малумотига қараганда 40 000 тоннага тенг. |
| ЖАМИ | 255,519–262,572 | |

*Манбалар:* ЮНЕП/ POP'S/ INC.5/1; I HPA баҳолаш ҳар хил манбаларга асосланган (22.11.2008 йил га қараганда).





# Илова 2

## ЕС мамлакатларида харакатлар мисоллари ва уларнинг ёрдами

Ҳозирги кунда Литва 2 000 тонна ВУП ҳамда 6215 м$^3$ зарарланган ерларни йўқотиш учун тайёргарлик кўраяпти. Кохезион Фонди бу ишлар учун 73 % моддий ёрдам кўрсатди, ва 27% миллий фондлардан келтирилди[10]. Литва 3190 тонна пестицидни Германияга йўқотиш учун юборилган эди, бу ишлар 2002–2005 йилларда чиқиндиларга тегишли миллий дастури орқали амалга оширилди (Миллий харакат дастури, 2007). Латвия ВУП билан ифлосланган ерларни тозалаш учун PHARE фондларидан фойдаланган. Румыния 2005–2006 йилларда PHARE ЕС дан моддий ёрдам орқали 2 300 тоннани 2 йил ичида бартараф қилинди, аммо 500–1000 тонна ҳозиргача мамлакатда сақланиб келмоқда. Дания ҳукумати DANCEE программаси орқали Россия, Латвия ва Беларусияга ВУП га тегишли масалалар ечишига ёрдам берди.[11] Лекин программа тўхтатилди. Шунда Эстония муаммоларни ечиш билан бўлган ҳамма харажатларни ўз бўйнига олди, бунда ЕС дан ҳар қандай ёрдам олмасдан 2001 йилда 110,7 тонна Финляндияга жўнатилган, 103,7 тонна – Германияга. Қолган ВУП Эстонияни ўзида йўқотилган эди.[12] Чехия Республикасида 2007 йил маълумотларига кўра, ВУП ни бартараф қилиш ўз фондларидан: миллий фитосанитария ҳизмати, қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан моддий ёрдам орқали 141 тоннаси сақланаётган жойда бартараф қилинди.[13]

Польша давлати ички маблағларидан фойдаланиб бартараф қилиш ишларига сарфлади, Венгрия ҳам кам маблағ сарфлаб ишларни бажарди. 2001 йилда Венгрия ва Словакияда Голландиянинг атроф муҳитини муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ВУП ларни инвентаризация қилиш бўйича кичик кўргазма проектини ўтказди. Бир неча йил моъбайнида Венгрияда пестицидларни йиғиш ва қадоқлаш бўйича маъсул Цебер Кхт, хукумат корхонаси томонидан 5 та мамлакатда ишлатиш муддати тугаган пестицидлардан 183 тоннасини қадоқлаб қўйди. Қилинган ишларнинг умумий баҳоси 80 миллион венгрия флоринга тенг келди (330 000 евро). Цебер Кхт ва пестицидларнинг эгалари умумий нархнинг 15 % тўлашди, қолган 85% номга олинган вазирлик тўлади.[14] Лекин охирги 3 йил ичида бошқа хеч қандай ишлар олиб борилмади. Цебер Кхт ва Рефлекс Ассоциацияси 200 тонна қолган пестицидларни бартараф қилиш харакатига қарамасдан хеч қандай ишлар олиб борилгани йўқ.

1998–2007 йиллар мобайнида Болгария мамлакати ўз маблағларини ВУП билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечилишига сарфлаган (умумий хисобида 5,516 миллион евро). 2007 йилда 14 103 тоннадан 83,5 % (11,773 тонна)

---

*[10] ISPA/ Кохезион проект рахбари Далии Папивене Хоним томонидан берилган маълумотлар, Литва Республикасининг экология вазирлиги; Атроф муҳитини сақлаш бўйича проектлар бошқариш Агентлиги 21 октябрь 2008 йилда олинган*

*[11] Даниянинг атроф муҳитини сақлаш бўйича DANCEE агентлиги, ВУП бўйича куйдириш ва куйдирмасдан йўқотилиш технологиялар CEE регионы учун батафсил шарҳлар; Хулоса, октябрь 2004, 2.1.1 қисм.*
*Стокгольм конвенциясини CEE регионида Дания ва Халқаро кўмаги (http://www2.mst.dk/Udgiv/publications/2005/87-7614-543-3/pdf/87-7614-544-1.pdf).*

*[12] Эстония атроф муҳитини муҳофаза қилиш вазирлигининг, чиқиндилар бўйича бўлимининг етакчи мутахассиси Мари-Лис Уммик хоним томонидан берилган маълумотлар, 23 октябрь 2008 йилда олинган.*

*[13] Чехия қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Яромир Махарта жанобдан олинган маълумотлар, 20 феврал 2008 йилда олинган.*

*[14] Рефлекс Уюшмаси жаноб Тибор Ковачдан олинган маълумотлар, 20 октябрь 2008 йил.*

си янги қурилган ёки жиҳозланган 76 та омборхоналарида сақланмоқда, қолган 1804 тоннаси “ББ-куб” аталмиш капсулланган қурилмада жойлашган (улар темирбетондан қилинган 195x195x195 сантиметрлик ҳаво ўтказмайдиган ҳамма томонлардан печатланган, умумий хажми 5 $м^3$ келадиган контейнерлардир).[15] Чунончи бу қилинган ишлар масалани ечими бўлмаса да, улардан етқазиладиган зарар вақтинча бир мунча камайтирилди. Болгарияда ВУП дан 2 330 тоннаси 358 қўриқланмаган ва жиҳозланмаган омборхоналарда ҳозиргача сақланиб келмоқда.

# Илова 3

## Қисқартирилган сўзлар рўйхати

| | |
|---|---|
| АCAP | Арктикадаги ифлосланишини тугатиш бўйича Арктика Кенгаши |
| ЕС | Европа Иттифоқи |
| ГЭФ | Умумжахон экологик фонди |
| DANCEE | Даниянинг Ғарбий Европага экологик ёрдами |
| DOEN | Голландия фонди |
| ДДТ | Дихлордифенилтрихлорэтан |
| ФАО | Озиқ – овқат ва қишлоқ хўжалигига доир ООН Дастури |
| IHPA | HCH ва пестицидларга доир Ҳалқаро Уюшмаси |
| CEPS | Европа сиёсатини ўрганиш Маркази |
| HCB | Гексахлорбензин |
| HCH | Гексахлорциклогексан |
| НПО | Нодавлат ташкилоти |
| ВУП | Яроқсиз бўлиб қолган пестицидлар |
| СОЗ | Ўта турғун органик ифлослантирувчи моддалар |
| PAH | Полиароматик гидракарбон |
| PCB | Полихлорли бифенил |
| PER PERC | Перхлорэтилен |
| POPCIP | СОЗ тегишли бўлган Европа Хамжамиятининг иш режаси |
| ЮНЕКЕ | ООНнинг Европадаги Экономик Комиссияси |
| ЮНЕП | Атроф муҳитининг мухофаза қилиш бўйича ООН Дастури |
| ЮНИДО | Саноатни ривожлантириш бўйича ООН Дастури |

[15] *TAIEX семинарида Цветанко Демчева Хоним томонидан берилган маълумотлар. Белград, сентябрь, 2008 йил.*